

## **БАНК СУГУРТАСИ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

***Исматов Абдулфайз Абдухалилович***

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти*

**Аннотация:** Суѓурта ва банкларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириш масалалариiga таълуқли бўлган янги “bancassurance” технологиялари орқали самарали фаолият кўсатиш, суѓурта маҳсулотларини сотишни ташкил этиш, шунингдек банк рискларини камайтириш, фаолият турларини ҳамкорликда олиб боришининг назарий ва иқтисодий асосларига бағишиларган. Шунингдек ўзаро ҳамкорликда самарали фаолият олиб бориш бўйича илмий тавсиялар шакллантирилган.

**Калит сўзлар** – суѓурта, банк, банк суѓуртаси, суѓурта маҳсулоти, молиявий супермаркетлар, банк рисклари, суѓурта соҳалари, суѓурта компаниялари.

Мамлакат молия бозорларини янада ривожлантириш, аҳолига сифатли молиявий хизматларни тақдим этиш, суѓурта қомпанияларининг суѓурта маҳсулотларини сотишнинг замонавий технологияларини жорий этиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, суѓурта воситачилари фволиятини фаоллаштириш, ишлаш тизимини такомиллаштириш, банк суѓурта механизмларини жорий этиш, умуман суѓурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш орқали суѓурта маҳсулотлари сотиш кўламини кенгайтиришга эришиш мақсадида соҳага янги технологиялар жорий қилинмоқда. Шу билан бирга ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳолига сифатли молиявий хизматларини кўрсатиш, республика суѓурта хизматлар бозорининг ролини кучайтиришни тақозо этмоқда. Банк суѓуртаси (“bancassurance”) атамаси дунёда биринчи бўлиб Францияда 1970-йилларда пайдо бўлган. Бунда тижорат банклари суѓурта хизматларини ўзларининг тармоқлари орқали сотишни йўлга

қўйишиган. Дунёда биринчилардан бўлиб Credit Mutuel банки ўз қошида Assurances du Credit Mutuel Vie (ACM Vie) суғурта компаниясини очган [1].

Банк суғуртаси – бу суғурта компаниялари томонидан банкларни сотиб олиш ва банк томонидан суғурта компаниясини сотиб олишни тақсимловчи банк ва суғурта ташкилоти ўртасида ягона ахборот тизимини яратишдир деб қарайдилар [2].

Банк суғуртаси банк суғуртаси замонавий молиявий бозорда янги ташкил этилган ташкилий функционал тузилмадир [3].

Банк суғуртаси бу – банклар ва суғурта компаниялар ўртасидаги интеграция шаклларидан бири бўлиб, унинг доирасида молиявий, операцион технологик, таркибий ва бошқарув соҳаларида уларнинг ҳамкорлиги орқали, юқори самарани олиш имконини берадиган тизимдир [4].

Банк рисклари суғуртанинг умумий соҳаси таркибига киритилади ва суғурта турлари (класслари) асосида лецензия олинади [5]. Банк суғуртаси бўйича фикрлар ва илмий қарашлар энди шаклланиб бормоқда, шу сабабли маҳаллий ва хорижий олимларнинг тизимли ёндашувлари “bancassurance”ни ягона бир модел ёки шаклда эмаслигини тасдиқлайди. Халқаро амалиётда банк суғуртаси турли хил воситалар орқали амалга оширилиб келинмоқда. Биргаликда олиб бориладиган бундай фаолият аслида банклар ва суғурта компанияларининг ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиши, уларнинг бирлашиши, қўшиб юборилиши, банкларнинг суғурта компаниялари таъсисчилари ҳисобланишилари ортида молиявий конгломератларнинг вужудга келиши ётади. Шунингдек, банк суғуртасини ташкил этишда ягона ёндашув мавжуд эмас. Лекин, суғурта компаниялари ва банкларнинг “bancassurance” ҳамкорлигига фаолияти юритишлари иккала томоннинг манфаатларига мос келади (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Суғурта компаниялари ва банкларнинг “bancassurance”да иштирок этиш афзалликлари<sup>1</sup>

Суғурта компаниялари- нинг “bancassurance”да иштирок этиш афзалликлари	1. Мижозлар сонининг кўпайиши ва янги бозорларга кириш
	2. Бизнесни кенгайтириш учун инвестициялар
	3. Агентлик тармоғини яратмасдан, бозорни тезлиқда эгаллаш
	4. Биргаликда банк хизматларни кўрсатиш
	5. Сотиш ҳаражатларининг камайиши
	6. Суғурта даромадлари ҳисобидан инвестициялар самарадорлигини ошиши
	7. Мижозларни селекция қилиш имконияти
Банкларнинг “bancassurance”да иштирок этиш афзалликлари	1. Фоиз ставкасини пасайтириш орқали қўшимча даромад (комиссиялар) олиш
	2. Хизматлар турларини кенгайтириш орқали мижозларни ушлаб қолиш
	3. Суғурталовчиларнинг суғурта заҳираларини жалб қилиш ҳисобига кредитлаш ресурсларини кўпайтириш
	4. Бизнесни кенгайтириш учун инвестициялар
	5. Филиал ваофислар сонини оширмасдан бозорни тезлиқда эгаллаш
	6. Суғурта имкониятларидан фойдаланиб, маҳсулот турларини кўпайтириш
	7. Мизожларни селекция қилиш имконияти

Жадвалдан шуни қўришимиз мумкинки, моливий жиҳатдан банклар ва  
суғурта компанияларининг яқинлашуви икки томон учун ҳам бир хил афзалдир.  
Чунки уларнинг биргаликдаги ўзаро фаолияти, ҳамкорлари ва мижозлари учун ҳам  
қўлай ҳисобланади.

Банк суғуртасини ташкил қилишда, муваффақиятга эришишнинг асосий  
омиллари қўйидагилардан иборат:

- Молиявий маҳсулотларнинг оддийлиги ва ҳамёнбоплиги;

<sup>1</sup> Олиб борилган тадқикотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

- банк ва сұғурта компаниялари ходимларининг профессионал малакаси;
- сотиш технологияларини банкка бирлаштириш;
- сотиш жараёнларини ахборот технологиялари (IT) орқали қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш;
- банк сұғуртаси жараёни менежментини ривожлантириш.

Молия бозорида сұғурта компаниялари ва банкларнинг бундай ўзаро ҳамкорликдаги моделлари одатда иштирокчиларнинг манфаатли ўсишига олиб келади охир – оқибатда эса бундай харакат барча иштирокчиларга фойда келтириши мумкинligини кўрсатади. Бундай ўзаро ҳамкорлик иштирокчиларнинг ҳар бирига келитириши мумкин бўлган афзалликларни алоҳида таҳлил қиласиган бўлсак қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

Банк сұғуртаси концепцияси (bancassurance) тушунчаси банклар ва сұғурта компаниялари савдосини мувофиқлаштириш, сұгурута ва банк маҳсулотларини бирлаштирадиган, ўзаро сотув каналлар алмашинуви ва ҳар икки тараф мижозлар базасидан фойдаланиш мақсадидаги интеграциялашувдир. Банк сұғуртаси моделлари бўйича ҳам мамлакатлар турли моделлар асосида банк сұғуртасини амалиётда қўллайдилар. Банк сұғуртаси тушунчасига шу кунга қадар ҳеч қандай якуний яхлит таъриф берилмаган ва бу банк сұғуртасининг ҳозирги кунда ҳам ривожланиш жараёнида эканлигидан далолат беради. Дунё олимлари банк сұғуртасига ўз давлати иқтисодиётидан, давлат тузуми, молия бозорининг ривожланиш даражасидан келиб чиқсан ҳолда ўз қарашларини ифода этган. Демак банк сұғуртаси бўйича ягона таъриф йўқ. Юқоридаги сабаб туфайли ҳеч бир мамлакатда яхлит банк сұғуртаси моделларидан фойдаланмайди. Ҳар бир мамлакатда банк сұғуртаси қўллашнинг турлича усуллари мавжуд. Суғурта компаниялар ва банклар ўзаро ҳамкорлигининг усуллари мухим аҳамият касб этади. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, банк сұғуртасининг қўйидаги моделлари мавжуд экан.

- банк сұғуртаси;

- молиявий супермаркет;
- стратегик иттифоқ;
- банк томонидан ихтисослаштирилган сугурта компаниясини ташкил этиш (кечтиг сугурта);
- кооперация;
- альянс.

Ўзбекистонда банк сугуртасини жадал ривожлантиришда молия бозорининг бошқа иштирокчиларини ҳам таъминлаш муҳим аҳамит касб этади. Уларга мисол қилиб лизинг компаниялар, баҳоловчи компаниялар, микрокредит ташкилотларни мисол қилишимиз мумкин. Бу молиявий институтлар, сугурта компаниялари билан ўзаро ҳамкорликда ва сугурта агентлари сифатида фаолият олиб бормоқда. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар амалиётини тадқиқ қилиш натижасида банк сугуртасидан фойдаланиш бу нафақат сугурта бозорининг балки, молия бозорининг ривожланишига ҳам турки бўлмоқда. Мамлакатимиз банклари ва сугурта компаниялари ҳам банк сугуртасидан тўлиқ фойдаланиши жамиятнинг барча иштирокчилариға фойдали бўлади.

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Marjorie Ch. (2005) Analysis of Bancassurance and its status around the world / Ch. Marjorie, C. Launay, B. Mainguy // Focus. – October. – P. 45-61.
2. Габидулин И.А., Лушниченко В.Н. Bancassurance по-эсенговски // Мир денег. 2007. № 8–9. С. 54– 59 /
3. Донецкова О.Ю., Садыкова Л.М. О проблемах развития банкострахования в РФ.-Вестник Оренбургского государственного университета №8 2015.-183 стр.
4. Имомов У.Ф. (2020) Инновцион иқтисодиёт шароитида банк сугуртаси ва уни ривожлантириш йўллари. Иқтисодиёт фанллари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссератицияси автореферати. Тошкент ш. 52 бет.
5. Abduraxmonov I. Sug‘urta sohalarining shakllanish tendensiyalari //MOLIYA VA BANK ISHI. – 2022. – Т. 8. – №. 3. – С. 60-67.